

Сийрат дарслари (132-дарс). Савдода кўп қасам ичишдан сақланинглр!



14:00 / 16.04.2021 4362

503. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ростгўй, омонатдор тожир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир».**

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

504. Қайс ибн Ғазара розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Мадинада васақлар билан олди-сотди қилардик ва ўзимизни ўзимиз ҳам, одамлар томонидан ҳам «даллол» деб номланар эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни олдимиздан ўтдилар ва бизларни ундан

яхшироқ исм билан номладилар: **«Эй тожирлар жамоаси! Албатта, савдода беҳуда нарса ва қасам ҳозир бўлади, бас, уни садақа билан аралаштиринглар»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Жоруд ва Ҳоким ривоят қилишган.

Васақ – ўлчови бирлиги.

505. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Савдода кўп қасам ичишдан сақланинглар, чунки, у (молни) ўтказди, сўнг (баракани) ўчиради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан